O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 9 ноябрь, № 219 (4118) Пайшанба

Ушбу суратлардаги ўқувчиларнинг юз-кўзларига эътибор қилинг. Уларнинг қувончлари бежиз эмас. Ахир, ана шу фидойи ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнати, беқиёс меҳр-муҳаббати туфайли сизу биз ҳарф таниймиз, ҳаётни англаймиз.

Меҳрибон, оқила, фидойи

Собир Раҳимов туманидаги 1400 нафар ўқувчиси бор 16-мактабда яқинда ўтказилган тадбирда ҳам ана шу хусусда сўз борди. Анжуманда, шунингдек, бугуннинг ўқитувчисига Президентимизнинг бевосита ташаббуслари туфайли давлат сиёсати даражасида ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги катта мамнуният билан таъкидланди. Устоз-мураббийларга бўлган ҳурмат йил сайин ошиб бораётганлиги яқдиллик билан эътироф этилди.

— Муаллимнинг қадрланиши мамлакатнинг изчил тараққиёт йўлидан бораётганлигига бир тасдиқдир, — дейди инглиз тили фани ўқитувчиси Доно Мирпўлатова. — Чунки тинч-осойишта юртдагина бугунгидек тарбия ҳақида, бу соҳада олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар хусусида гапириш мумкин. Шундай экан, мен ҳар доим фидойи касб соҳиблари — устозларимга куч-қувват тилайман.

М. ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Маърифат соати

Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори халқаро майдонда мафкуравий ахборот хуружлари кучайиб бораётган даврда тарбиявий ишларни замон талаблари асосида ташкил этишда муҳим роль ўйнайди.

Қомусимиз — номусимиз

Ушбу ҳужжатда илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш учун қадриятларимизнинг ғоявий томонларини чуқур таҳлил қилиб, улардан кенг фойдаланишимиз лозим. Чунки бошқа халқлардан фарқли ўлароқ, бизнинг миллий мафкурамиз фалсафий жиҳатдан ғоявий, тарихий жиҳатдан маънавий-ахлоқий кучга эга. Биз буни халқимизнинг биргина бағрикенглик хислатида ҳам кўришимиз мумкин. Бағрикенглик ҳомийлик, эзгулик, саховатпешалик, ҳожатбарорлик каби фазилатларнинг асосини ташкил этади. Одамларга беминнат ёрдам бериш, раҳмдиллик, мурувват, ҳиммат кўрсатиш учун бағрикенглик зарур. Конституциямизнинг 18-моддасида, диний эътиқодидан қатъи назар, барча фуқаролар бир хил тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга дейилса, 31-моддада ҳамма виждон эркинлиги билан ҳам кафолатлангани айтилган. Дарҳақиқат, юртимизда 130 дан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти йўлида ҳалол меҳнат қилмоқдаларки, буям бағрикенглик нишонасидир.

Биз дунёвий давлат қураяпмиз. Мамлакатимиз Бош Қомусининг асосий бандлари ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (Янги таҳрири 1998 йилда қабул қилинган) ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминлайди ва ҳар қандай диний қарашларни мажбуран сингдиришни тақиқлайди. Шу маънода, истиқлол йилларида этник муносабатлар ва дин соҳасида олиб борилаётган изчил ва қатъий сиёсат туфайли мамлакатимизда миллатлараро тотувлик қарор топди. Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар.

Президентимиз яқинда Фарғона вилоятида бўлиб, фермерлар билан учрашувда қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар: «Инсон нафақат пул топишни, балки шу маблағни оқилона сарфлашни ҳам билиши лозим. Дабдабали тўй-томошалар қилиб, қўша-қўша машина, қаватқават уй-жой қуришга пулини аямайдиган тадбиркору фермерлар ҳам орамизда йўқ эмас. Бироқ, ҳамма нарса ҳам меъёрида бўлгани маъқул. Топилган маблағ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, қишлоққа саноатни олиб киришга сарфланса бундан тадбиркор ҳам, бошқалар ҳам кўпроқ фойда кўради. Чунки фермер бойиса, юрт обод бўлади. Ахир давлат, ватан бойиганда ўзимиз, оиламиз, ўғил-қизларимиз, келин-куёвларимиз, неварачевараларимиз жисмонан бақувват, ақлан етук, руҳан баркамол яшайди-ку. Ана шундагина биздан озод ва обод Ватан қолади. Миллатимизнинг дардига ўзимиз дармон бўлмасак, ўзгалар келиб ҳеч қачон дармон бўлолмайдилар. Яхши инсоний фазилатларимиз билан бирга энди иллатларимиз ҳақида ҳам ўйлайлик...»

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси II боб, 14-модда.

Бу фикрларни ҳаётимизга татбиқ этиш учун фақат маънавий тарғибот ва ташвиқотнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун бутун бир жамоатчиликнинг соғлом фикрини уйғотиш лозим. Энди одамларнинг иш услубига баҳо берганда, ходимларни аттестациядан ўтказганимизда фақат тадбиркорлик, пул топишлик сифатини эмас, маънавий савиясини ҳам ҳисобга олиш вақти келди. Мониторингнинг натижасини мажлисларда, матбуотда эълон қилиб туриш мақсадга мувофиқ.

Буюк келажак учун биргина ҳожатбарорлик, қўли очиқлик, эзгулик, саховатпешаликнинг ўзи етарли эмас. Ахир, АҚШ, Япония, Германия каби ривожланган мамлакатлар бугунги инқилобий сифат ўзгаришларига фақат саховатпешалиги, меҳмоннавозлиги, дабдабали тўй-тантаналари билан эришмаган-ку? Халқимиз табиатидаги ишбилармонлик, тадбиркорлик, масъулиятлилик, тежамкорлик, ташаббускорлик, ватан, миллат тараққиёти йўлида ўз ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, фидойилик билан яшаш ва меҳнат қилишдан иборат азалий қадриятларимизни кенгроқ намоён этайлик. Бугун ишонч ҳосил қилдикки, ҳар бир фуқаронинг тақдири, келажаги ўз халқининг, ўз юртининг, ўз маънавияти ва салоҳиятининг тақдирига боғлиқ. Муаммоларимизни биров келиб ҳал қилиб бермайди. Дарвозаларимиз очиқ экан деб, огоҳликни унутмайлик. Кимлар нима мақсад, қандай ғоялар билан кириб келаётгани билан қизиқайлик, лоқайд, бефарқ бўлмайлик.

Юртбошимизнинг «Озод бўлмоқ истасанг, ўзингни озод тут!» деган ҳикматли сўзларининг миллий ғоямизда қанчалик муҳим ўрин тутишига яна бир бор ишонч ҳосил қиляпмиз. Биз маънавият тарғиботчилари «Юртим тараққиётига мен ҳам жавобгарман» деган шиорни ҳар бир фуқаронинг эътиқодига айлантира олсаккина миллий ғоямиз таъсирчанлигини таъминлаган бўламиз. Шундагина, ёшларимизни ёт ғоялар таъсиридан, ўзгаларни ўйлаб, ўзликни бой беришдек зарарли иллатлардан сақлай оламиз.

Ортиқ ВАФОЕВ.
Бухоро вилояти.

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун киритмоқда.

Қуйида ушбу қонун лойиҳаларининг матнлари ҳамда уларнинг шарҳлари келтирилмоқда.

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

Давлат бошқарувини яңгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришдан иборат.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли тузатишлар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади.

2-модда. Қонунчилик палатасида сиёсий партияларнинг фракциялари

Сиёсий партия фракцияси — сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Парламентдаги кўпчиликни ўзларининг мақсадли дастурий вазифаларининг яқинлиги ёки ўзаро мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузаётган бир неча сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эгадир:

Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатаси ялпи мажлисининг баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томонидан камситилиши мумкин эмас.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

3-модда. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларини сайлаш тартиби

Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасида тузилган фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун сиёсий партия фракцияси, қоида тариқасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини тақдим этади.

Сиёсий партия фракциясидан тақдим этилган номзод Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, сиёсий партия фракцияси ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тасдиқлаши учун киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган номзод Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенати тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда, янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимдан озод қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимдан озод қилинади:

а) Бош вазирнинг истеъфо бериш тўғрисидаги аризасига биноан;

б) Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда;

в) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

г) Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этган ташаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббусни парламентнинг етакчи сиёсий партиялар фракциялари қўллаб-қувватласа ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатида овозга қўйилганда тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сони учдан икки қисмидан кўпроғининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг лавозимдан озод қилиниши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади.

6-модда. Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган тақдирда, тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатилган лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар фракциялари, тегишли вазирлик ва идоралар, банк ва ташкилотлар вакиллари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси биринчи ўқишда депутатлар томонидан берилган таклифлар инобатга олинган ҳолда иккинчи ўқишда муҳокама этилди. Ўзбекистон молия вазирининг ўринбосари С.Бекенов маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларни янада ривожлантиришга йўналтирилиши учун мўлжалланган маблағларни ҳисобга олган ҳолда тузилганлиги таъкидланди. Юртимизда иқтисодиёт соҳасидаги ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришиш имконини яратади.

Келгуси йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишларига барқарор иқтисодий ўсишни, иқтисодиёт ва унинг алоҳида соҳалари макроиқтисодий ва молиявий жиҳатдан мувофиқ бўлишини, аҳолининг турмуш даражасининг ошишини таъминлашга қаратилган стратегик устувор мақсадлар асос қилиб олинганлиги таъкидланди.

2007 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг асосий кўрсаткичларига кўра, солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган тадбирлар қабул қилинганда жамланган Давлат бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1,0 фоизини ташкил этади.

Жорий йил Давлат бюджетида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари 51,1 фоиз бўлиши кутилаётган бўлса, 2007 йили бу рақам 54,3 фоиз даражасида бўлиши кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан бир қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қилади.

7-модда. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари

Назорат қилиш вазифаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларининг партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосли хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилади. Агар бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббусни халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасига киритади ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

8-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Конституциявий Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, Ҳукумат ва жойлардаги давлат органлари зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг таъсирини кучайтириш мақсадида киритилмоқда.

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, №11, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, №3—4, 27-модда) қуйидаги тузатишлар киритилсин:

1) **89-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"89-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди";

2) **93-модданинг 15-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли";

3) **102-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ва лавозимидан озод қилинади".

2-модда. Ушбу Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг

ҚАРОРИ

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қонунлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилсин.

3. "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э. Халилов

2006 йил 8 ноябрь.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларига

ШАРҲЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси номига йўллаган хатидаги принципиал мезонлар

Мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги мақсадларга изчиллик билан эришишда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтириш вазифаси биринчи навбатда сайлов жараёнларида фуқароларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиш, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлашнинг ҳал қилувчи воситаси сифатида муҳим ўрин тутади.

Жамиятимизни сиёсий янгилаш ва ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичида ана шу вазифани амалга ошириш давлат-ҳуқуқий тизимини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида энг таъсирчан туртки ва муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ.

Демократик давлат қуриш, фуқаролик институтларини шакллантириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришиш борасида тарихан узоқ йўлни босиб ўтган хорижий мамлакатларнинг бой тажрибаси ва қўлга киритган ютуқлари айнан шундан далолат беради.

Бу вазифани ўз вақтида кун тартибига қўйиш заруратини, аввало, жамиятимизни босқичма-босқич ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича биз танлаган тараққиёт модели талаблари, мустақиллик йилларида сиёсий партиялар томонидан тўпланган тажриба тақозо этмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг тобора ўсиб бораётган сиёсий онги ва фаоллиги барчамизни шунга даъват этмоқда.

Халқимиз учун номақбул бўлган эски мустабид тизимдан бугун биз барпо этаётган инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати ва эътиқоди энг устувор тамойил қисобланган озод жамият сари Ўзбекистон босиб ўтган оғир ва мураккаб йўлни танқидий баҳолар эканмиз, мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган давлатчилик ва янги жамият пойдеворини шакллантириш бўйича танлаган миллий тараққиёт моделимиз нечоғли тўғри эканини узил-кесил таъкидлаш учун барча асосларга эгамиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ жойларда кўппартиявийлик ва сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган, замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди.

Демократик ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, аҳолимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва маҳаллий вакиллик органлари ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш ва ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим яратиш мақсадида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Олий Мажлисига айлантирилди.

Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, икки палатали Олий Мажлиснинг бир ярим йил давомидаги фаолияти парламент ислоҳоти ўз вақтида ва пухта ўйлаб амалга оширилганидан далолат бермоқда.

Натижада сўнгги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимият — мамлакат парламентининг, шунингдек, сиёсий партияларнинг демократик ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва таъсири анча ортгани сезилмоқда. Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти тобора жонланмоқда, фракцияларо курашлар кучаймоқда ва бу ҳолат сиёсий партиялар нуфузининг ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Сиёсий тажриба орттириш ва сиёсий етукликка эришиш, эр муҳими, молиявий мустақиллик, жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электоратига таяниш — бу, шак-шубҳасиз, бугунги кунда сиёсий платформаси ва йўналишидан қатъи назар, мамлакатимизда барча партиялар босиб ўтаётган йўлдир.

Айни вақтда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни, демократик ҳуқуқий давлат қурилиши, ижтимоий тараққиётнинг бугунги реал ҳолати ва талабини ҳисобга олган ҳолда, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилишни, инсон манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини тўла инобатга олишни тақозо этмоқда.

I. Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга долзарб қилиб қўяётган ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг энг муҳим мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Биринчи. Жамиятимиз ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаолликни янада ошириш. Фақат халқ иродасига, фуқароларнинг ўтказилаётган ислоҳотлардаги фаол иштирокига, уларнинг юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларни тушуниши ва қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш мумкин.

Иккинчи. Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадли вазифаларини бажаришда, ижро этувчи ҳокимият томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтириш.

Учинчи. Ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда фаол сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш.

Бу борада марказда ва жойларда ижро этувчи органларни ташкил қилишда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органларидан ўрин олган сиёсий партиялар, шунингдек, депутатлар мустақил гуруҳларининг бевосита иштирок этиши ҳамда шу тариқа ўз дастурий мақсадларини амалга ошириши масаласига муҳим амалий ва ҳаракатлантирувчи омил сифатида жиддий эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчи. Ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш.

II. Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларни амалга ошириш учун муҳокамага киритилган қонунлар лойиҳаларида қуйидагилар таклиф этилмоқда:

А. "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси

1. Сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида турган вазифаларни ҳал этишдаги ролини сезиларли даражада ошириш мақсадида, шунингдек, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, палата ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳал этиш жараёнида фракциялар ўртасида тобора кучайиб бораётган тортишув ва курашларни ҳисобга олиб, Қонуннинг 2-моддасида ("Қонунчилик палатасида сиёсий партияларнинг фракциялари") турли хил сиёсий мақсадларни кўзлайдиган, сайловлардан сўнг шакллантирилган ҳукуматнинг тутадиган йўли (курси) ва дастурига ўз муносабатини белгилаб оладиган сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланмоқда.

Хусусан, бунда қуйидагилар назарда тутилмоқда: "Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Парламентдаги кўпчиликни ўзларининг мақсадли дастурий вазифаларининг яқинлиги ёки ўзаро мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузаётган бир неча сиёсий партияси фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин".

Шунингдек, парламентдаги мухолифатнинг самарали фаолият юритиши учун кафолатлар тизимини яратиш мақсадида қонун лойиҳасининг 2-моддасида қуйидагилар назарда тутилмоқда: "Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эгадир:

Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатаси ялпи мажлисининг баённомасига киритиш" ва бошқа ҳуқуқлар.

Мазкур моддада парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томонидан камситилиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари ролини мустаҳкамлаш ва айрим депутатлар томонидан турли хил конъюнктуравий қарорлар қабул қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни истисно этиш мақсадида мазкур моддада сиёсий партия томонидан номзоди кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкинлиги белгиланмоқда. Шу муносабат билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 23-моддасидан мазкур депутат "ҳеч бир фракция ёки депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли" эканлиги тўғрисидаги нормани чиқариб ташлаш таклиф қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этадиган мухолифат шахсларининг ҳуқуқлари, эркинликларини камситишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги қоидани ўз ичига олган 34-моддаси ривожлантирилган ҳолда, мамлакат парламентидаги кўпчилик ёки мухолифат сифатида ташкил этилган фракциялар, уларнинг блоклари ҳақидаги тушунчалар миллий қонунчиликка киритилмоқда.

Қонун лойиҳасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва уларга қўшилган мустақил депутатлар фаолиятини баҳолаш принциплари ва мезонлари демократик давлатларнинг умумэътироф этилган тажрибасидан келиб чиқади. Яъни, демократик давлатларда мамлакат парламентига сайловларда иштирок этаётган у ёки бу сиёсий партия ўзининг дастурий мақсадларини янгитдан шакллантирган ҳукуматнинг қандай йўлни (курсни) танлаши, унинг ўз олдига қўйган мўлжали ва мақсадли вазифаларига ўз муносабатини билдирган ҳолда белгилайди.

Бу борада айрим хорижий мамлакатлар давлат-ҳуқуқий, сиёсий тизимида янгитдан сайланган парламентда мутлақо кўпчилик ўринни эгаллаган партиянинг ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини қўлга киритиши ва унинг етакчиси ёки вакили Бош вазир лавозимига даъвогарлик қилишини назарда тутадиган тажриба ҳам мавжуд. Бундай модель демократик ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтган ва электорати етарли даражадаги юксак сиёсий ва ижтимоий тафаккурга эга бўлган давлатлардагина қўлланилади.

Ана шундай давлатларда бир неча бор ўз ҳукуматини шакллантирган партия парламентдаги кўпчилик ўринни йўқотишига қарамасдан, "норасмий ҳукумат"ини сақлаб қолаверади ва у зарур бўлган пайтда мамлакат келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин.

Бундай шарт-шароит мавжуд бўлмаган ёки ҳали яратилмаган мамлакатларда бундай модель одатда уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, коррупция ва жиноий гуруҳларнинг майдонга чиқишига олиб келиши мумкин ва буни шундай жараёнлар юз берган кўпгина давлатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

2. Сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлис қуйи палатаси фаолиятини ташкил этишдаги ролини кучайтириш мақсадида қонун лойиҳасининг 3-моддасида қуйидагилар белгиланмоқда: "Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасида тузилган фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга". Бу норма Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туриши ҳамда фракция ва бошқа депутатлар бирлашмаси таркибига кириши мумкин эмаслиги ҳақидаги амалдаги тартибни ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 15-моддаси) тубдан ўзгартиради.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси 3-моддасининг қабул қилиниши нафақат Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ваколатлари ва имкониятларини кенгайтириш, балки палатада қарорлар қабул қилиш жараёнини сезиларли равишда демократлаштириш имкониятини ҳам яратади.

3. Қонунчилик палатасида, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партияларга, шунингдек, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан сайланган депутатларга марказда ва жойларда ижро органларини шакллантириш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида қонун лойиҳасининг 4-моддасида ("Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби") қуйидагилар назарда тутилмоқда:

"Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тасдиқлаши учун киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган номзод Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқланган ҳисобланади".

Агарки овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга экани Қонун лойиҳаси 4-моддасининг 3-қисмида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенати тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлай олиши,

ЖАҲОН 24 соат ичида

АҚШ Конгрессининг вакиллик палатасида демократлар кўп ўрин эгаллади. Бу ҳақда «ЭБС» телекомпанияси дастлабки маълумотларга таяниб хабар тарқатди. Сўнгги 12 йил давомида биринчи бор демократлар қуйи палатада кўп ўрин эгаллашмоқда. Ҳозирча демократларнинг Сенатда ҳам республикачиларга нисбатан аксарият ўринларни эгаллаши маълум эмас.

Панама БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзолигини қўлга киритди. «Франс пресс» ахборот агентлигининг хабарида айтилишича, БМТ Бош ассамблеяси шундай қарорга келган. Мазкур аъзолик учун Гватемала ва Венесуэла ҳам кураш олиб борди. Панаманинг бу мақомни эгаллаши учун мамлакат делегацияси охирги тўрт ҳафта мобайнида 48 маротаба уринишди.

Лондон суди Дирен Баротни умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқарди. У мамлакат пойтахтида бир қатор терактларни амалга оширишни режалаштирганини бўйнига олди. Барот Покистонда «Ал-Қоида» йўриқчилари томонидан махсус тайёрланган.

Хоккайдо оролига довул бостириб келди. Довул унча катта бўлмаса-да, Сарома шаҳрига жиддий зарар келтирди. Дастлабки маълумотларга қараганда, тўққиз киши ҳалок бўлди, 15 нафар аҳоли эса турли даражада жароҳатланди. Яна икки киши бедарак йўқолган. Қидирув-қутқарув ишларига кучли ёмғир халақит бермоқда.

«Ал-Қоида» Яманда теракт амалга оширишга уринганлигини тан олди. Ташкилот жорий йил сентябрь ойи ўрталарида мамлакатда нефть ишлаб чиқарувчи объектларни портлатишга ҳаракат қилган. Бу ҳақдаги маълумот террорчи ташкилотларнинг Интернет сайтлари орқали тарқатилган. Ўшанда портловчи модда юкланган автомобиллар нефть заводларига бораётганда, мамлакат махсус хизмати уларни манзилига етмасдан портлатиб юборишга улгурган эди.

Жаҳон савдо ташкилоти Вьетнамни аъзоликка қабул қилиш учун расмий таклиф қилди. Осиёнинг мазкур мамлакати ЖСТнинг 150-аъзоси бўлиб киради. Вьетнам мазкур аъзоликни қўлга киритиш учун 11 йил ҳаракат қилди. Бу вақт оралиғида ЖСТнинг барча аъзолари билан музокаралар олиб борилди. Вьетнам 2007 йилнинг 1 январидан эътиборан ЖСТнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиши кутилаяпти.

Чеченистонда ОМОН ходимлари ўққа тутилди. РИА «Новости»нинг хабар беришича, отишмалар чоғида беш нафар ҳуқуқ-тартибот ходими ўлдирилган. Чеченистон прокурори Валерий Кузнецовнинг маълум қилишича, Дай аҳоли пунктидан унча узоқ бўлмаган жойда номаълум жангарилар «омон»чилар машинасига ҳужум қилишган. Айни пайтда жангарилар қидирилмоқда.

Билл Гейтс Саудия Арабистони шаҳзодаси Алвалид бин Талал билан бизнесда ҳамкорлик қилмоқчи. Улар Four Seasons меҳмонхоналар тармоғининг барча акцияларини биргаликда сотиб олишмоқчи. Меҳмонхоналар тармоғининг асосчиси Изадор Шарп ҳам Four Seasonsнинг барча акцияларини қўлга киритиш илинжида. Ҳозирда Four Seasonsнинг акциялари 3,7 миллиард доллар дея баҳоланмоқда.

«Северсталь» Лондон фонд биржасига ўз акцияларини чиқарди. Унинг миқдори 1,063 миллиард долларни ташкил этади. Компаниянинг қимматли қоғозлари билан шуғулланувчи мутахассисининг сўзларига қараганда, акциялардан тушган маблағ корпорациянинг инвестицияга бўлган талабини қондирмайди. «Северсталь»нинг айни пайтдаги умумий қиймати 12,7 миллиард долларга баҳоланмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ХАРИДОРЛАР, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР, МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

2006 йил 13-15 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги

«Озиқ-овқат моллари» республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторасида «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати», «Ўзгўштсутсаноат» уюшмалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси ва турли мулк шаклидаги тадбиркорлар корхоналарида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини 2007 йилда сотиш бўйича

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлари, фирмалар, хусусий тадбиркорлар ва харидорларни таклиф этади.

Ярмарка савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй, «Озиқ-овқат моллари» республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторасы биноси.

Маълумот учун «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси телефонлари: 139-49-00, 139-48-26, 139-46-03.

ДИҚҚАТ

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" !

Ҳурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фасли бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларининг бир мунча ортиб бориши билан ёнғин хавфининг ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрь кунидаги 496-Ф сонли фармойишига асосан бундай ҳолатнинг олдини олиш учун республикада 10 ноябрдан 10 декабргача "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади.

Фармойишда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, "халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этиш", деб белгиланган.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

3491Н/2057

«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

Тошкент: (371) 133-11-13, 175-63-72, 301-33-15
Самарқанд: (3662) 33-30-99
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72

FAMILY от East Telecom

Ўхшаш бўлмаган замонавий янги авлод тармоғига уланиш имконияти.

Ажратилган линиядан уй Интернетига уланиш билан Сиз замонавий рақамли АТСга уланган бепул телефон рақамига эга бўласиз.
1 йўла 2 хизматдан фойдаланиш (интернет+телефония).

Рўйхатга олиш учун тўлов

№	Номланиш	Нарх
1.	Улаш	35
2.	Ускуна ўрнатиш, созлаш	15

Ойлик тўлови

№	Тариф режаси	Абонент тўлови	Интернет улаш тезлиги	Тўланган лимит		Лимитдан ташқари тўлов	
				Интернет (Мбайт)	Телефония (дақиқа)	Интернет (Мбайт)	Телефония (дақиқа)
1.	FAMILY MINI	15	128 Кбит/с.	250	300	0,06	0,0015
2.	FAMILY MIDDLE	20	256 Кбит/с.	400	чегирмасиз	0,05	0
3.	FAMILY MAXI	120	128 Кбит/с.	чегирмасиз	чегирмасиз	0	0

Алоқа кенглиги – бизнес равнақи.

www.etc.uz
Телефон: 150-00-00.

Хизматлар лицензияланган.

SUPER
универсал тариф режаси

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БИЛАН WWW.MTS.UZ САЙТИДА ТАНИШИШ МУМКИН

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА $0.04 (1 дақиқа учун)

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ КИРУВЧИ АЛОҚА БЕПУЛ

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ ЧИҚУВЧИ АЛОҚА $0.02 (1 дақиқа учун)

МТС абонентлари учун:
- Халқаро роуминг хизмати Тринидад ва Тобагода (Digicel) ишга туширилди.
- Тармоқ кенгайиши давом этмоқда! Қўшимча 6 янги база станциялари Тошкентда, шунингдек Тошкент (Чиноз), Жиззах (Эгизбулоқ), Қашқадарё (Ғузумли, Муллакувват, Оққудуқ) вилоятларида ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

Хизматлар лицензияланган

ОРТИҚЧАСИНИ ТАШЛАНГ! КЕРАГИНИ ОЛИНГ!
1 - 3 ЎРИНГА - УЯЛИ ТЕЛЕФОНЛАР
ВИКТОРИНАНИ ТЕЛЕФОНИНГИЗ МЕНЮСИДАН ИЗЛАНГ
MTS-PLUS → SIM-CAFE → RAZVLECHENIYA → EBUDIT → VOPROS
Батафсил маълумот www.mts.uz ва www.jim.uz сайтларида

МТС

Бугуннинг ёшлари

Аслида Нилуфар ҳам бошқа тенгқурлари қатори оддий, самимий қиз. Бироқ унинг бошқалардан фарқли томони санъатга — амалий ва тасвирий санъатга ошуфталиги, миллий анъана ва қадриятларга бўлган чексиз ҳурмати, энг асосийси, изланувчанлиги. Ана шу фазилатлари сабаб беш ёшида Янгиқўрғон туманидаги 30-мактабнинг биринчи синфига қабул қилиниб, 15 ёшида Наманган давлат университети талабаси бўлди.

Нилуфарнинг гуллари

— Қизим зардўзликка қизиққанида тўрт ёшга ҳам тўлмаган эди, — дейди Ойжамол опа. — Мактабга қатнай бошлагач унга қўшнимиз Хуршидахон зардўзлик сирларини ўргата бошлади. У тиккан буюмларни кўриб нафақат биз, балки моҳир чеварлар ҳам ҳайратланишарди.

Иқтидорнинг ярми ўқиб-ўрганиш, машқ давомида юзага чиқади, деганлари рост экан. Дастлаб совға учун жажжи ёдгорликлар, елпиғичу чойнакёпқичлар тиккан қиз зарчопону зарнимчалар тика бошлаганда қишлоқда унинг маҳоратига тан бермаганлар қолмади ҳисоб. Унинг нозик бармоқларида жило топган кашталар амалий санъатимизнинг ноёб дурдоналари даражасига етган десак янглишмаймиз. Негаки, Нилуфар Азизова "Ўзбекистон Республикаси маданияти ва санъати форуми жамғармаси" томонидан ташкил этилган "Келажак овози" кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, бадиий ва маданий санъат номинацияси бўйича ғолиблиги қўлга киритди. Энди у пойтахтда наманганлик ёшлар шарафини ҳимоя қилади.

— Нилуфарнинг муваффақияти ўз асарларида бадиий жилолар, миллийлик, шарқона безаклардан фойдаланишга ҳаракат қилишида, — дейди устози Хуршида опа. — Унинг зарли гуллари жилоланиб атрофдагиларнинг ҳам, ихлосмандларнинг ҳам ҳаётига безак бераётгандай. Шу боис танлов ҳайъати унинг асарларига юксак баҳо берган бўлса ажаб эмас.

Нилуфар эндигина талабалик ҳаётини бошлади. Бироқ у ўзининг тиниб-тинчимаслиги, ташаббускорлиги, интилувчанлиги билан катта-кичикнинг оғзига тушган. Аъло ўқиш билан бир қаторда каштачиликни ҳам давом эттираяпти. Шунингдек, тўғарак машғулотларига қатнаши, хорижий тилларни ўрганиш ва китоб мутолаа қилиш унинг доимий машғулотларидан саналади. Спорт турларидан теннисга қизиқади. Кўнглида улкан режалари бисёр. Яқин ойларда ўзи яратган асарлари кўргазмасини ташкил этиб, бу гўзалликдан бошқаларни ҳам баҳраманд этмоқчи.

Санъатни севган, гўзалликка ошно қалб яхшиликларга, эзгуликларга мойил бўлади. Бундай қалбларга Яратганнинг ўзи ижод илҳомини солади. Нилуфар қалб кўрини бериб, ипакларга жон киритиб тиккан кашталари, зардўзи гулу чечаклари яна ўнлаб қалбларни ана шундай туйғуларга ошно қилса не ажаб.

М. ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кўксида «Жасорат» нишони

Ватан ҳимоясига камарбаста бўлаётган ўғлонларимизнинг фидойилиги ҳар қандай мақтовга лойиқ. Улар ўз туғилган тупроғи, юрти шаънини улуғлаб, элу халқ дуосини олмоқдалар. Капитан Миразиз Мирахмедов ана шундай ватанпарварлардан бири.

У Республикамиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан "Жасорат" медали билан тақдирланди.

— Зиммамга юклатилган вазифаларни доимо сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиламан, — дейди Миразиз Мирахмедов навбатдаги топшириқни бажариш чоғида. — Келажакда мақсадим Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида таҳсил олиш. Юртимнинг дахлсизлигига, тинчлиги-осойишталигига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Алижон САФАРОВ, Майор.
Камолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Қишлоқда спорт байрами

Зомин туманининг «Иттифоқ» қишлоғидаги 12-мактабда янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Саломатлик иншоотининг очилиш маросими ёшларнинг ҳақиқий спорт байрамига айланди. Шу куни Тошкент, Сирдарё, Самарқанд вилоятларидан келган 1991-1992 йилларда туғилган ўқувчи-қизлар ўртасида баскетбол, шахмат ва стол тенниси бўйича республика мусобақалари ўтказилди.

Фестиваль иштирокчилари замонавий жиҳозлар билан безатилган спорт залида қизғин беллашувларнинг гувоҳи бўлишди. Уч кун давом этган мусобақалар якунида Зомин тумани ўқувчи-қизлари умумжамоа ҳисобида ғолиб чиқишди. Жиззах тумани жамоаси иккинчи, Тошкент вилоятининг Чиноз тумани спортчилари учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорлар вилоят ҳокимлиги, республика Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг эсдалик совғалари, Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қизилтепалик шифокор Жамила Хайриева туман марказида «Шифо» хусусий даволаш маркази ташкил этганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Қизилтепада тиббий марказ

25 ўринга эга бўлган мазкур даволаш масканида малакали терапевт, гинеколог, невропатолог, педиатрия хизматлари йўлга қўйилган. Шунингдек, физиотерапия ва уқалаш муолажалари ёрдамида беморлардаги фалаж асоратлари, бел умуртқаси остеохондрози, хафақон ва асаб тизими касалликлари енгил даволанмоқда. Жорий йилда шифохонада ишга туширилган фитобарда «Шифо»нинг мижозлари учун турли доривор гиёҳлардан тайёрланган шифобахш дамламалар берилаётир.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ.

Ижод сабоқлари

Андижон вилоятида «Қаламкашлар маркази» иш бошлади. Марказ Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг гранти асосида вужудга келди.

Ўқув дастури 6 ойга мўлжалланган бўлиб, машғулотлар компьютер техникаси, интернет воситалари ёрдамида олиб борилади.

Шунингдек, марказ қошида ёш журналистларни тайёрлаш курси ҳам ташкил этилди. Тест асосида қабул қилинганларга журналистика бошланғич асослари, жанрлари ва уларнинг хусусиятлари, материалларни тўплаш ва ижод қилиш усуллари ўргатилади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Соғлом турмуш – фаровон ҳаёт демак

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси ҳамкорликда Оролбўйи минтақасидаги аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келмоқда.

Мазкур «Мурувват» поездининг навбатдаги Навоий-Нукус йўналиши бўйича сафари кам таъминланган оилаларга ижтимоий кўмак бериб, аёллар ва ёш болалар саломатлигига эътибор қаратди.

Германиянинг «Friedensdorf International» ташкилоти, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва «Караван Холдинг» концерни томонидан тақдим этилган дори-дармонлар, санитария-гигиена воситалари ва бошқа махсус жиҳозлар ҳарбий қисмлар, Мурувват уйлари, шифохоналар ва оилаларга топширилди. Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилиб, эҳтиёжманд беморлар пойтахтдаги даволаш масканларига юборилди.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ

ПРИНТЕРЛАР, НУСХА КЎПАЙТИРУВЧИ АППАРАТЛАР ҲАМДА УЗЛУКСИЗ ҚУВВАТЛАШ МАНБАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.



Тендер таклифлари 2006 йил 6 декабрь соат 17.00 гача қабул қилинади.

Манзил: 700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ш. Руставели 1-берк кўча, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 152-30-36, 136-27-82. Факс: 8 10 998 (371) 361-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz

BELARUS®

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел.: 361-40-33, 361-40-90. факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» КК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» КК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27. Факс: (+99871) 132-20-83. e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ – ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси Отабек Исмоиловга падари бузруквори **Абдурахмон ИСМОИЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» ва «Экономический вестник Узбекистана» журналлари таҳририяти жамоаси таҳририят ходими М.А.Муҳамадалиевага волидаи муҳтарамаси **Мукамбар МУҲАМАДАЛИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«O'RTA OSIYO MAXSUS QURILISH» Давлат бирлашмаси жамоаси Қаршидаги 2-махсус механизациялашган кўчма жамланмаси бошлиғи Муродулло Бердиевич Сафаровга падари бузруквори **БЕРДИ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева,
Навбатчи — С. Донийёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 01.45 12345